SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 24-APREL ■ PAYSHANBA ■ 51 (27.071) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Бугун Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлайди



Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 24 апрель куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 апрель куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 23 апрель куни Оқсаройда Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ларс Виссинг Ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан қутлар экан, Ўзбекистон — Дания алоқалари ҳар томонлама ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Икки мамлакат сиёсий жабҳада фаол ҳамкорлик қилмоқда, халқаро муаммоларга муносабатларида ҳам яқинлик ва ўхшашлик жиҳатлар талайгина. Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон ва Дания мутахассислари Афғонистондаги тикланиш, Ироқдаги янгиланиш ишларида ҳамкорликда иштирок этиши мумкин.

Элчи Дания ҳукумати Ўзбекистон билан ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, ишбилармонларнинг мулоқотини фаоллаштириш истагида эканлигини, ўзи эса бундай хайрли мақсадлар амалга ошиши учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

✧ ✧ ✧

Президент Ислом Каримов шу куни Бельгия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Андре Мерньедан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Бельгиялик бу дипломат Ўзбекистонда илгари ҳам бўлган, мамлакатимиздаги шарт-шароит, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, иқтисодий салоҳиятимиздан яхши хабардор.

Элчи билан суҳбат чоғида Ислом Каримов Ўзбекистон — Бельгия муносабатларини ривожлантириш имкониятлари кўплигини, уларни тўлиқ ишга солиш икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Бельгия элчиси икки томонлама ҳамкорлик, айниқса савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ишига ҳисса қўшишни ўзи учун бош мақсад сифатида белгилаганини ва Ўзбекистондаги миссиясини эса ўзи учун шараф деб билишини айтди.

Ислом Каримов элчига муваффақият тилади.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон Президентига Австралиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Лесли Адриан Роу ҳам Ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатларимиз жуғрофий жиҳатдан бир-биридан анча олисда жойлашганига қарамай, Ўзбекистон ва Австралияда ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Жумладан, Австралия томони Ўзбекистондаги фойдали қазилмалар конларини топиш ва ўзлаштиришга қизиқиш билдирмоқда. Умуман, Австралия сармоясини жалб этиш мумкин бўлган соҳалар талайгина.

Президент Ислом Каримовнинг элчи билан суҳбатида Ироқ ва Афғонистонда амалга оширилажак тикланиш лойиҳаларида биргаликда иштирок этиш имкониятлари ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Австралия элчиси мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини маълум қилди.

(ЎзА)

Фракция нуқтаи назари ишлаб чиқилди

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси аъзолари, мамлакат парламенти XI сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини белгилаб олиш мақсадида, жорий йилнинг 22 апрелида партия Марказий Кенгашига йиғилдилар.

Фракция раиси И.Кочмарик йиғилишда сессия олдидан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг берган тавсиялари хусусида гапириб, парламентнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар, лойиҳалари тақдим этилган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (янги таҳрири)ги ва бошқа қонунлар ҳамда ҳужжатларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришда, хусусан, икки палатали парламент тизимига ўтишдаги аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталди.

Маърузачи ва сўзга чиққан депутатлар Олий Мажлис XI сессиясининг таклиф этилган кун тартибини, шунингдек, унга киритилиши мўлжалланаётган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги МК Сиёсий ижроқўмининг тавсиясини маъқуллаб, шу билан бирга, айрим ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан баъзи таклифларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдилар.

Фракция аъзолари ишлаб чиқилган умумий нуқтаи назарни сессияда изчил ифода ва ҳимоя қилиб, сессия ишининг юқори савияда ўтиши учун ўз ҳиссаларини қўшишга келишиб олдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламентнинг ўн биринчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари Ф.Муҳитдинованинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиснинг бўлғуси сессияси муҳокамасига киритилаётган масалаларни муҳокама этди ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

уларни ўн биринчи сессия иши кун тартибига киритишни депутатларга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг қай даражада тайёрлиги тўғрисида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш молия вазири М.Нурмуродов ҳамда парламент Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисидаги ахборотини тинглади. Йиғилиш иштирокчилари мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ўтган йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқулладилар ҳамда уни парламентнинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилди.

Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек Олий Мажлис ўн биринчи сессиясининг Котибияти таркибига тавсия этилаётган, сиёсий партиялар депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатлари блоклари раҳбарлари билан келишиб олинган номзодларни ҳам кўриб чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тизимидаги «Олмалиқғишт» акциядорлик жамиятида янги маҳсулот — рангли ғиштлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

Ҳар куни «Олмалиқғишт» тамғаси билан ғишт ортилган ўнлаб автомашиналар карвони бу корхона дарвозасидан чиқиб, белгиланган манзиллар томон ошиқади. Жамоа ишлаб чиқараётган бинокорлик маҳсулоти — ғиштга ҳамиша харидор тўпилади.

Илгарилари корхонада фақат оқ рангдаги пардозбоп ғиштлар ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда қизил, сариқ рангдаги бежирим, қурилишбопларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жамоа томонидан ўтган 2002 йилда 1 миллион дона ҳажмида қизил рангдаги пардозбоп ғиштлар тайёрланди.

Бугунги кунда корхонада ойига ўртача ҳисобда 1 миллион 700 минг донадан зиёд пардозбоп, қурилишбоп ғиштлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада ғишт тайёрлаш билан боғлиқ барча жараёнлар тез ва сифатли бажарилади. Бунга асосан зарур технологияни такомиллаштириш орқали эришилмоқда.

Савол туғилади: **Мамлакатимизда ғишт ишлаб чиқаришда «Олмалиқғишт» корхонасига ўхшаш, бир қанча турдош жамоалар бор. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам, деярли бир-бирига ўхшаш. Шундай бўлгач, унинг афзалликлари нимада?**

— Корхонамизда тайёрланаётган ғиштлар, бошқа турдош корхоналарда ишлаб чиқарилаётганларидан кескин фарқ қилади, — дейди «Олмалиқғишт» акциядорлик жамияти раиси Қодиржон Юсупов. — Боиси, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ўзининг сифатлилиги билан давлат андозаларига тўла жавоб бера олади. Турдош корхоналарда ғишт ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида фақатгина тупроқ ва сув ишлатилса, бизда тайёрланаётган ғиштларга албатта, каолин моддаси ҳам аралаштирилади. Шу боис, маҳсулотларимиз пишиқ, сифатли.

Корхона жамоаси нафақат ички бозордаги истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш, балки келгусида маҳсулотни экспорт қилиш борасида ҳам изланмоқда. Яқинда қўшни Қозоғистон Республикасидан 5 миллион дона ғиштга талаб тушди.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ислоҳотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир» маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилиши, 2003 йилнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Бош вазир Ў.Султонов бошқарди.

Мажлисда ўтган чоракда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 2,2 фоиз ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 12 фоиз ошгани таъкидланди. Иқтисодий ўсиш таъминланди, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси белгиланган 2,7 фоиз ўрнига 1,7 фоиз бўлди.

Иқтисодиётда ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани самараси ўлароқ, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти тобора ўсиб бормоқда. Жумладан, ҳисобот даврида ташқи савдодаги ижобий сальдо 270 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг 88 лойиҳаси бўйича маҳаллий хомашё негизида буюм ва материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мазкур чоракда аввал қабул қилинган ижтимоий дастурларни изчил бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилди. «Обод маҳалла йили» дастури ҳамда фуқароларнинг ҳаёт шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

2-бет

Руминия Президенти Самарқандни зиёрат қилди

САМАРҚАНД. 23 апрель (ЎзА. Акбар Қаршиев). Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Руминия Президенти Ион Илиеску Самарқандга ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонни Самарқанд аэропортида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев кутиб олди.

Руминиялик меҳмон қадимий Самарқанднинг тарихий обидалари — Улуғбек расадхонаси, Бибихоним жомеъ масжиди, Гўри Амир мақбараси ҳамда Сиёб бозорини томоша қилди.

— Ўзбекистонда, жумладан, Самарқандда илк бор бўлишим, — деди Руминия Президенти журналистларга берган интервьюсида. — Бу қўҳна шаҳардаги обидалар менда унутилмас таассурот уйғотди. Уларнинг ҳар бири юртингизнинг буюк тарихи, аждодларингизнинг улкан маданий ва илмий салоҳиятига қўйилган абадий ҳайкалдир.

Руминия давлат делегациясининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи жуда самарали бўлди. Президент Ислом Каримов билан ўтказилган музокаралар ва имзоланган янги ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ион Илиеску шу куни Самарқанддан жўнаб кетди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Учар поезддаги «кўчар бозор»

Газетанинг 2003 йил 13 март сонида чоп этилган «Учар поезддаги «кўчар бозор» ёхуд «абжир» чипта сотувчи, «ишбилармон» назоратчи, «замонавий» тижоратчи, «машҳур» артистлар ва турфа ҳангомалар хусусида жажжи фельетон» «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ раҳбарияти томонидан ўтказилган навбатдан ташқари йиғилишда чуқур муҳокама қилинди.

Термиз филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи К.Раҳмоновга филиал ходимларининг иши устидан назоратни сусайтирганлиги учун ўртача ойлик маошига 30 фоиз миқдорида жарима солинди ҳамда 10 кун муддатда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилди.

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ директори Х. РАҲИМОВ»

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

Газ бўлади, электр етарли

Андижоннинг Булоқбоши қишлоғи Навоий номли маҳаллада истиқомат қилаётган бир гуруҳ кишилар таҳририятимизга йўллаган мактубларида «Бир ярим ой бўлди, газ йўқ», «уйлар совуқ, катта оила бир хонада қишласа...» ёки «электр ҳам ҳунарли: бир суткада 10 соат ёнса, 14 соат ўчиб туради» каби маънода шикоят йўллашган эди. Яқинда мазкур мактубга жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилади.

«Андижон вилоят, Булоқбоши тумани, Булоқбоши қишлоғи, Навоий номли кўчада истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг газетага табиий газ ва электр энергия таъминотидаги камчиликлар масаласида ёзган аризаси вилоят ҳокимлигида мутасадди ташкилотлар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг «Хўжаобод-II» газ тақсимлаш шахобчасидан шартномада белгиланган 4,0 кг/см2 босим ўрнига амалда 0,8 кг/см2 чиқиш босими берилаётганлиги сабабли асосий газ тармоқларидан узоқда жойлашган ҳудудларга, жумладан, Найман кўчасидаги истеъмолчиларга табиий газ талаб даражасида етиб бормаётганлиги аниқланди. Ҳозирги кунда истеъмолчиларга газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатиш ҳамда мавжуд табиий газни қайта тақсимлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Электр энергия таъминотида қишнинг совуқ кунларидаги зўриқишлар сабабли узилишларга йўл қўйилган. Ҳозир эса барча камчиликлар бартараф этилиб, бир маромда электр энергия билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. МАҚСУМОВ».

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

BUSINESS BANK

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

● ХДП ХАБАРИ

Тавсиялар берилди

2003 йил 22 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК Сиёсий ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессияси муносабати билан партия депутатлар фракциясига тавсиялари ҳақидаги масала юзасидан ХДП МК котиби, партиянинг парламентдаги фракцияси раиси Изидор Кочмарикнинг ахбороти тингланди. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси ХДПнинг парламентдаги вакилларига сессиянинг таклиф қилинаётган кун тартибини, шунингдек, муҳокамага чиқарилаётган қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, маъқуллаш ва Ўзбекистон ХДП фракциясининг, улар юзасидан, умумий нуқтаи назарини парламентнинг барча депутатлари эътиборига етказиш ҳамда уни Олий Мажлис сессиясида изчил ҳимоя қилишни тавсия этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бироқ ислоҳотлар барча соҳаларда ҳам самарали бормоқда, деб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган йиғилишида қурилиш соҳасидаги қолоқликни танқид қилган эди. Шунга қарамай, ҳали ҳам соҳада кўплаб камчиликлар мавжуд. Масалан, кўпгина тендерлар хўжакўрсинга ўтказилмоқда. Иншоотларнинг қурилиш ва лойиҳа қийматлари амалдаги баҳосидан анча ортиб кетмоқда. Ўтган йили қурилиши тугалланиши керак бўлган 34 академик лицей ва коллеж ҳали ҳам фойдаланишга топширилмади.

Сўнгги вақтда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш борасида бир неча ҳужжат қабул қилинди. Аммо корхоналардаги кузатув кенгашларининг роли бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб беради, деб айтиш қийин.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Биринчи чоракда хусусийлаштириш жараёнидан 11 миллиард сўм тушум туширилишига эришилди. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарасини янада оширади. Шу билан бирга, мажлисда алоҳида таъкидланганидек, хусусийлаштириш жараёнида объективлик таъминланиши зарур.

Халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Ўтган чоракда бу тармоқдаги ўсиш 2 фоизни ташкил этган. Бироқ бу талаб даражасида эмас. Шу боис истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасини ислоҳ қилишни тезлаштириш талаб этилади. Бунинг учун етмишдан ортиқ корхонани қайта жиҳозлаш зарур. Зеро, бу айни кунда долзарб бўлиб турган масала — бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда ички бозоримизни хорижнинг сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар яхши самара бераётганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу борада Давлат божхона қўмитаси фаолиятида фаоллашув кузатилаётганини айтиб ўтиш зарур. Қўмита бевосита аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтирди. Товарларнинг мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилишига қарши курашнинг кучаяётгани натижасида сифатсиз маҳсулотлар экспансияси сусайди. Аммо қилиниши зарур бўлган ишлар ҳали талайгина.

Президентимиз мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим тармоғи бўлган ўрта ва кичик бизнесни, фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу борада амалга оширилаётган ишларда муайян силжиш юз берганлигини таъкидламоқ керак. Ўтган чоракда юртимизда паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги корхоналари негизида ўн мингга яқин фермер хўжалиги ташкил этилди.

Бироқ фермер хўжаликларига ҳамма жойда бир хил эътибор берилмаяпти. Тузилган шартномалар бўйича фермерлар олдидаги мажбуриятларни бажаришда оқсоқликлар мавжуд. Айниқса, хизмат кўрсатиш ва таъминот тизимида бундай салбий ҳолатни кўплаб учратиш мумкин. Бунинг устига, фермерлар билан ер шароитини ҳисобга олмаган ҳолда шартнома тузиш ҳоллари мавжуд.

Мажлисда кун тартибидаги масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, М.Усмонов, Э.Ғаниев, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, адлия вазири А.Полвонзода, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Т.Тангирбергенов, Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Парпиев, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов ва бошқалар сўзга чиқди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

Тайёргарлик қизғин

НУКУС, (ЎзА мухбири Аминбой ОРТИҚБОЕВ). Шу кунларда ўзининг 70 йиллик тўйига тараддуд кўраётган Нукус ўзгача чирой касб этмоқда. Асосий байрам тадбирлари ўтказиладиган шаҳар марказидаги ёзги амфитеатр биноси қайта таъмирланяпти.

«Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 2-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бу ердаги ишларни тобора жадаллаштирмоқда. Жумладан, таъмирлаш ишларини режалаштирилган муддат — 5 майга қадар тугатиш учун иш икки сменада олиб бориляпти.

Шунингдек, Нукус аэропорти ҳам халқаро андозалар талаби даражасида таъмирланмоқда. Йўловчиларга зарур шарт-шароит яратиш, хизмат турлари ва сифатини янада ошириш борасидаги ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Яқинда қуриб битказилган Қорақалпоқ давлат санъат музейининг янги биноси ҳам юбилей кунлари томошабинларга ўз эшикларини очади.

Нукусда шаҳар юбилейига кўрилаётган ҳозирлик ишларининг боришига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шулар ҳақда гап борди. Унда Нукуснинг юбилейини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида белгиланган тартибда ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди. Бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Уларни тезда бартараф этиш юзасидан мутасадди вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

● ФАРМОН ВА ИЖРО

Муҳим йўналишлар йўриғи

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОН САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Вилоят халқ хўжалиги тармоқларида, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш борасида изчил тадбирлар амалга оширилянпти.

Президентимизнинг **«Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»**ги Фармони бу йўлда вилоят меҳнаткашларига янги дастуриламал бўлди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдумажид НУРҚУЛОВ:

— Фармондан сўнг 2003 йил режаларимизни қайта кўриб чиқиб, уларни жойларда қизғин муҳокамалардан ўтказдик. Семинар-йиғилишлар ташкил этдик. Уларга банк, солиқ, агросуғурта, статистика, меҳнатбандлик бўлими, вилоят, туман ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига алоқадор бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакилларини ҳам таклиф этдик.

Жорий йилда 275,9 минг тонналик ғалла хирмони бунёд этиш учун 5770 та контрактация шартномалари имзоланиб, ҳозир улар ижрога кирди. Шундан 243 таси ширкат хўжаликлари, 5501 таси мустақил фермер хўжаликлари билан имзоланган. Минерал ўғит етказиб бериш, МТПлар билан нефть маҳсулотлари учун зарур шартномалар тузиш ишлари қатъий назорат остига олинди. Чунки, ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бориши шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йиллари ширкат ва фермер хўжаликлари ўртасида механизация ва суғорма сув таъминоти каби номуносибликлар ортидан айрим низолар келиб чиқди. **Бу йил эса бошқармамиз томонидан мустақил жорий этилган шартномаларда хизмат кўрсатиш турлари, муддати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мулкий жавобгарликлари, ўзаро ҳисоб-китоб тартиблари аниқ белгилаб қўйилмоқда...**

Вилоят шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Исо ИСОҚОВ:

— Вилоят пахтачилиги ва ғаллачилигида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатдошимиз қисқа бўлса-да, айтиб ўтди. Мен пиллачилик ҳақида гапира қолай. Сабаби, пиллакорларимиз (бу ҳол бошқа вилоятларда ҳам бор) бугунги кунда меҳнатларига яраша вақтида ҳақ ололмаётганликлари сир эмас...

Ўтган йили вилоят «Пилла» ҳиссадорлик жамияти 927 та хўжалик билан 2101,4 тонна пилла хомашёси етказиб бериш юзасидан ўзаро шартнома имзолаганди. Афсуски, ушбу шартнома ширкат хўжаликлари манфаатларига жиддий зиён кўрсатиб келмоқда. 1 январь 2003 йил ҳолатига кўра «Пилла» ҳиссадорлик жамиятлари ширкат хўжаликларидан 550 миллион 95 минг сўмдан ортиқроқ кредиторлик қарзига эга. Ширкат ва фермер хўжаликлари билан МТПлар ўртасида имзоланган шартномалар ижросида ҳам айнан шу манзара. Негаки, вилоят бўйича 4359 та фермер хўжаликлари билан 1886 миллион сўмликдан зиёдроқ шартнома имзоланиб, 1323,2 миллион сўмлик иш бажарилди. Бу 70 фоизни ташкил этади. Тўловлар эса вақтида МТПлар фойдасига аллақачон ҳал этилиб бўлган. Ўртадаги ана шу иқтисодий ва молиявий фарқ фермер хўжаликлари иқтисодига зарар етказиб келаётганлиги аччиқ ҳақиқат. **Фармондаги 8-бандга кўра янги таҳрирдаги Низом ва меъёрий ҳужжатлар тайёрланаётганда шартномалар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг тартиб ва аниқ муддатларига алоҳида эътибор қаратилса,** деган таклифим бор. Шунда соҳадаги бундай номутаносибликларга чек қўйилган бўларди.

Вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Нуриддин ҲАСАНОВ:

— Бугунги кунда очиғини айтганда, ширкат жамоа хўжаликларига нисбатан фермер хўжаликлари самарали натижаларга эришаяпти. Ҳолбуки, дастлаб фермерлик ҳаракати бошланган пайтларда айрим корхона ва ташкилотлар, ҳатто баъзи туман ҳокимликлари унинг йўлига сунъий тўсиқлар қўйганлиги ҳам рост. Аммо босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли, хайрият, бу муаммолар ўз-ўзидан барҳам топмоқда.

Ҳозир вилоятимизда деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида туман вакилликлари қошида ҳуқуқий ва аудиторлик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этганмиз. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан фермер хўжаликлари иқтисодиётида қатор ижобий силжишлар юз бераётганлигини эндиликда ҳаммамиз кўриб турибмиз.

— Ҳа, деҳқон ва фермер хўжаликларига бундан буён ҳам кенг йўл очиб берилиши даркорлиги бу — замон талаби. Чунки, гап — халқ фаровонлиги устида кетаяпти. Шу боиски, **тегишли вазирликлар томонидан ишлаб чиқарилаётган меъёрий ҳужжатларда ширкат хўжалигими, фермер хўжалигими — ҳар хил арзимас сабаблар билан қолоқликка йўл қўйса, халқни, давлатни алдаса ёки корхоналар завод ва фабрикалар маҳсулот етказиб берган хўжаликлар билан ўзаро имзоланган шартномалар шартларини бузса, пировардида, қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиётига зарар етказса уларга нисбатан қатъий жазо чоралари ҳам белгиланиши керак.**

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Уруғ керакми, «Яйпан»дан олинг!



Ўзбекистон туманида «Яйпан» Ўзбекистон — Греция қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Корхона чигит ва дон уруғини саралашга ихтисослашган. Айни пайтда бу ерда 100 га яқин маҳаллий йигит-қизлар учун янги иш ўринлари яратилди.

— Йил бошидан буён 2 минг тонна чигит саралаб, кимёвий усулда туксизлантирдик. Экин мавсуми бошлангунга қадар биргина «С 26-09» навли уруғнинг ўзидан вилоятимиз туманларига тегишли миқдорда туксиз ҳолда етказиб бердик. Агар бу уруғ жорий йилда ҳам ўзини оқласа, демак бу — биз саралаган уруғ сифатига, аниқроғи, бизнинг ишимизга ҳам берилган баҳо бўлади. «Яйпан» уруғидан олганлар ютқазмаяпти...

Лаборантнинг бу сўзларидан биз: «Кимгаки сара уруғ керак бўлса, «Яйпан»дан келиб олсин» — деган маънони англадик.



Суратларда: қўшма корхонанинг илғор оператори Нодирбек Қиёсов; тажрибали лаборант Насиба Набижонова.

Муҳаммад АМИН ва Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

Бульдозер «операция»си

ЁКИ МИЛЛИОН-МИЛЛИОН СЎМЛИК МАБЛАҒ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎЗЛАШТИРИЛГАНИ ҲАҚИДА

● ҚИНҒИР ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Фарғонанинг Тошлоғига бориб тақалганда Абдубанноб Маҳмудов айбини тан олишдан бошқа иложи қолмади.

— Бульдозерни ҳам, «БелАЗ»ни ҳам кўрган эмасман. «Дирекция» билан шартномани эса бир танишим тузган. Аммо шерикчиликда пулни «еганимиз» рост.

А. Маҳмудовни содда, қўй оғзидан чўп олмайдиганлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Негаки, у билиб туриб қинғир ишга қўл урган. «Соққа» қилишнинг янги «усули»ни ўйлаб топганлардан. Ахир катта бир ташкилотни алдаб, миллион-миллионларни ўзлаштирганларни яна нима деб аташ мумкин?

— Тўғри, бульдозер «операция»сидан 30 миллион сўм атрофида ноқонуний даромад қилганман, — дейди Абдубанноб Маҳмудов қилган ишидан пушаймон бўлиб. — Зиённи тўлайман. Кечиринглар...

Дарҳақиқат, тошлоқлик «тадбиркор» солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти депозит ҳисоб рақамига 20.000 АҚШ долларини ўз қўли билан топширди. Қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятларга нисбатан қўлланиладиган жазоларни либераллаштиришга тааллуқли ўзгартиришлар киритилганлиги туфайли унга шундай имкон берилди.

Шунга ўхшаш бульдозер «бизнеси» ҳақида яна бир ҳолат. «Дирекция»дагилар Тошкентдаги «Махсус лойиҳа хизмат» хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ҳеч иккиланмай экскаватор учун, дея 30 миллион сўмни ўтказиб берганлиги ҳам шубҳали эди. Ҳақиқатдан гумон тўғри бўлиб чиқди. Хусусий корхонадан ҳеч қандай экскаватор олинмаган экан. Маблағ эса бошқа мақсадларга сарфланган, яъни шароб савдо базаларига вино-ароқ маҳсулотлари учун ўтказилган. Бу ишнинг ҳам охири вой бўлди.

«Дирекция»дагиларнинг бульдозер «операция»си бўйича амалга оширган «лойиҳа»лар рўйхатини яна давом эттиришимиз мумкин. Аммо шу ўринда «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси бош директорининг 2002 йилдаги буйруғини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки ушбу буйруқ талаблари бажарилганда «операция» бунчалик чуқур илдиз отмасди.

Бош директор буйруғига кўра, «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси таркибидаги корхона ва ташкилотларда, жумладан, «Дирекция»да товар моддий қийматликларни сотиб олиш тартиби белгиланган ва маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар юзасидан хулоса берувчи марказлашган эксперт комиссияси тузилган. Бу комиссияга тақдим этилган шартнома лойиҳаси, товар етказиб берувчи томонидан тасдиқланган маҳсулотнинг миқдори, нархи ва хусусиятлари тўғрисидаги аниқ реквизитлари кўрсатилган бўлади. Сотиб олинаётган товарнинг сифат сертификати, четдан олиб келинган товар бўйича эса божхона декларацияси ҳамда экспертиза хулосасини ўрганиб чиққандан сўнг баённома тузиб, пул маблағларини ўтказишга тавсия бериш вазифаси юкланган.

Афсуски, «Кўмир саноатида қурилиш ва техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш Дирекция»сининг мансабдор шахслари буйруқни қўпол тарзда бузиб уни бажаришмаган. Натижада эса бир қинғир иш иккинчи жиноятга йўл очган. Миллион-миллион сўмлик маблағ тармоқ ишини ривожлантириш ўрнига кимларнингдир чўнтагига тушган.

Устига устак «Дирекция»нинг ўзга корхона ва ташкилотлардан дебитор ва кредитор қарзлари ҳам кўпайиб борганлиги ҳеч кимни ташвишга солмаган.

Қисқаси, қинғир иш бульдозер «операция»си иштирокчиларига фақат ташвиш келтирди. Давлат ва жамиятга келтирилган зарарни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Тоҳир ХОЛИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти бўлим бошлиғи, Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Шаҳар кенгаши пленуми

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг V Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Мазкур масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л.Ғуломов маъруза қилди.

Нотиқ пойтахт партия ташкилотида республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор бераётганини таъкидлади. Бироқ партия ташкилотлари ички партиявий масалаларга бир томонлама эътибор бериб, партия учун муҳим бўлган, ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш масалаларини диққат марказидан четда қолдиряптилар. Жойларда ислоҳотларнинг боришига тўсқинлик қилаётган камчиликлардан кўз юммоқдалар.

Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари, ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши биринчи котиби Ҳ.Бобохонов, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Тошкентиккикорамет» шўъба корхонаси директори В.Кузеванов, ЎзХДП Ҳамза туман кенгаши биринчи котиби Ш.Файзиев, Жисмоний тарбия институти кафедра мудири, профессор Т.Юнусов, А.Тожиев номли маҳалла раиси М.Иброҳимов ва бошқалар партия ташкилотларининг ишини такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Н.АГАФОНОВА

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

АМАЛИЙ ИШЛАР

● **ХДП Хоразм вилоят кенгаши**нинг ёрдами билан Урганч шаҳридаги 22-ўрта мактабда таҳсил олаётган кам даромадли оилаларнинг фарзандлари оёқ кийимлари билан таъминландилар. Шунингдек, партия ташкилоти ушбу мактабнинг 15 нафар ўқувчисини тушликда меҳмон қилишни ҳам одат қилган. Бу ғамхўрликлардан жамоанинг партияга ишончи ортиб, яқинда 20 нафар ўқитувчи партия сафига кирди.

● Партия фаоллари **Чуст туманиг**даги тиббиёт коллеж талабалари М.Вершикино ва Н.Турсуновларнинг никоҳ тўйини ўтказилишида ёрдам кўрсатдилар. Партия ташкилоти тўйга бевосита ҳомийлик қилди ҳамда ёш келин-куёвга ўз совғасини топширди.

● **Кўқон шаҳар партия кенгаши** фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш, фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилишини таъминлаш мақсадида, шаҳардаги «Ҳуқуқий ҳимоя маркази» билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш бўйича шартнома имзолади. Унда аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича қатор амалий ишлар қилиниши режалаштирилган.

● 2003 ЙИЛ — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Кичик Ватаннинг катта ташвишлари

ОҚСОҚОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ КУН ТАРТИБИДА

Бухоро вилоятида Обод маҳалла йили муносабати билан амалга ошириладиган тадбирлар кўлами анча кенг. Айниқса, маҳаллаларда кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттириш, болалар спортини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш, маҳалла посбонлари, педагог тарбиячилар фаолияти ҳозирги кун талабига жавоб берадими?

Яқинда вилоят марказида фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раис (оқсоқол)ларининг бўлиб ўтган уч кунлик тажриба алмашиш ўқувида ана шу саволларга жавоб изланди. Айниқса, Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси муовини С.Ҳасановнинг маърузаси тўпланганларда чуқур таассурот қолдирди.

Оқсоқоллар Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туманидаги «Ширбудин» фуқаролар йиғини, Тўқимачилик туманидаги «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғинида Обод маҳалла йили тадбирлари ижросида тўпланган тажрибаларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Хуллас, бу тадбир вилоятда маҳаллалар — кичик Ватаннинг катта ташвишлари ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Берлин марказида Ўзбекистон нафаси

Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганининг ўн йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ёрдамида «Ферлагсхаус Браун» нашриёти томонидан «Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси. Дипломатик ваколатхона ва маданият маркази» номли китоб чоп этилди.

Рангли фотосуратларга бой ушбу китоб республикамиз дипломатик ваколатхонасининг янги биноси тарихидаги асосий босқичларни ўзида акс эттирди.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг элчихона янги биносининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқи билан бошланади. Давлатимиз раҳбари маросимда, хусусан, элчихона биносида немис ва ўзбек миллий оҳангларнинг уйғунлашуви унинг аҳамиятини янада юқори кўтаради, бинонинг Германия қалби ҳисобланмиш гўзал Берлин шаҳрида жойлашиши эса рамзий маъно касб этади, деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Берлиндаги дипломатик ваколатхонамиз Ўзбекистоннинг маданиятини, салоҳиятини, бугунги нуфузини намойиш этувчи бино бўлиш билан бир қаторда, ўзбек ва немис халқлари маданиятлари ўртасида ўзига хос боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилмоқда.

XIX асрнинг 80-йиллари бошида қурилган бу иморат 1999 йилдан бошлаб қайта таъмирлана бошланди. Немис қурувчилари билан ҳамкорликда ўзбекистонлик моҳир усталар меҳнати ила Берлинда янги бино бунёд этилдики, у ўзбек маданияти ва тарихининг Германиядаги ўзига хос марказига айланди.

Китобда Ф. Мойзер, Х. Хоффман, К. Дёрриес каби машҳур немис тарихчи ва меъморларининг Шарқ ва Ғарб меъморчилиги анъаналарининг алоқаларига оид мақолалар билан бир қаторда, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги нодир ва бетакрор тарихий ёдгорликларга бағишланган кўплаб маълумотлар келтирилади.

А. АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА, Берлин.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРДА

Сода ўзимизда ишлаб чиқарилади

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎЗ ЙЎНАЛИШИГА КЎРА ЯГОНА КОРХОНА — ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ ЯНА ЖАДАЛ ТУС ОЛДИ

Устюртда қурилаётган Қўнғирот сода заводи қурилиши 2001-2002 йилларда турли сабаблар (маблағ камлиги, қурилиш материаллари етишмаслиги каби баҳоналар)га кўра деярли тўхтаб қолганди. Бироқ, мамлакатимиз Президенти ҳукумат олдига завод қурилишини жадаллаштириш, ўзимизнинг сода маҳсулотини ишлаб чиқариш вазифасини қўйди. Шундан сўнг республика Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг таклифлари ҳамда тавсиялари асосида Вазирлар Маҳкамаси (2002 йил, 14 май, 158-рақамли) **«Қўнғирот сода заводи қурилишини битказиш тўғрисида»** қарор қабул қилди.

Шу кеча-кундузда келгусида йилига 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарувчи завод қурилишида сафарбарлик эълон қилинган. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу ерда 1454,3 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Шу ҳисобдан 1142,8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Автокорхона, таъмирлаш механика устахонаси, қозонхона, ўт ўчириш пости, темир-бетон ишлаб чиқариш майдончаси ҳамда ички коммунал инженерлик тармоқлари объектларида кўзланган ишлар ҳажми тўла адо этилди.

Завод посёлкасида ишчи-хизматчиларга ҳар бири 96 ўринли 6 та ётоқхона, ҳар бири 30 оилага мўлжалланган 4 та турар-жой ва ҳар бири 18 оилага мўлжалланган яна 4 та турар-жой қуриб битказилди. 250 ўринли ошхона, 50 ўринли кафе, 320 ўринли мактаб, 90 ўринли болалар боғчаси, 300 ўринли маданият саройи ва даволаш профилактик маркази, дўконлар, савдо маркази, новвойхона, қозонхона, ҳаммом, телефон-алоқа линиялари сингари қулайликлар ишлаб турибди. 17 гектар майдонда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

— Бу йил камида 16 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажаришимиз керак, — дейди корхона қурилиши **бош директорининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ЖенгисEmbергенов,** — Туз эритиш ва уни сақлаш бўлими, сув айланиш станцияси, очиқ ва ёпиқ омборлар, техник сув билан таъминлаш маркази, сувни тозалаш ва чучуклаштириш қурилмаси, суюқ аммиак сақлаш иншооти, абсорблаштириш, дистиллаштириш, карбонлаштириш, фильтрлаштириш объектлари қурилишлари тезкор тус олди. «Борса-келмес» туз конида ётоқхона, гараж, қозонхона, ёнилғи-мойлаш шахобчалари, ўт ўчириш пости, чиқинди сувларни тозалаш объектлари ва ички инженерлик коммунал тармоқлари қурилишлари бағрида бунёдкорлик ишлари қайтадан жонланди. Инфраструктура жиҳатдан заводни сув, газ, электроэнергия билан таъминлаш бўйича белгиланган асосий ишлар бажариб бўлинди. 220/110/6 кв.ли трансформатор подстанцияси қурилишининг 70 фоизи тайёр. 35/6 кв кучланишли «Сода заводи — туз кони — «Борса-келмес» линияси ҳаёт қайнамоқда. «Туз кони — Барса-келмес» темир йўл линияси тармоқларида тупроқ ишлари ҳажми ҳозиргача 60 фоиз бажарилди.

Корхона қурилиши маъмурияти Хитойнинг «Ситик» компанияси билан заводнинг технологик ускуналарини олиб келиш, уларни ўрнатиш ва ишга тушириш бўйича шартнома тузди. Бу ишлар шу йилнинг август ойидан бошланиб, 2004 йилнинг IV чорагида ниҳоясига етказилади. Уларга Голландиянинг «Акзо Нобель инжиниринг» компанияси ҳамкорлик қилади. Қурилишда «Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига қарашли «Қўнғиротсодақурилиш» ва «Қорақалпоқдеҳқонқурилиш» бирлашмасининг «Сода деҳқонқурилиш» бошқармалари, «Оролсувқурилиш» бошқармаси тасарруфидаги «Қўнғирот кўчма механизациялаштирилган жамлама» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоалари сингари республиканинг энг етакчи, пешқадам қурилиш корхоналаридан келган муҳандис-техниклар, қурувчилар, механизаторлар фаол қатнашмоқдалар.

Шунингдек, заводнинг темир йўл қурилиши объектларида «260-қурилиш-монтаж поезди» темир йўлчилари, алоқа объектларида эса «Қорақалпоқ алоқа кўчма механизациялаштирилган жамламо» бунёдкорлари ҳам туну кун тер тўкмоқдалар.

Мақсад — мамлакатимиз халқ хўжалигининг стратегик вазифаларидан бири — Қўнғирот сода заводи қурилишида 2003 йил учун белгиланган режаларни барвақт адо этиб, Ватанимиз дарғаси — Юртбошимиз назар-эътиборида турган улкан корхонанинг барвақт тикланиши ва уни ишга туширилиши муддатини яқинлаштириш. Бир сўз билан айтганда, Қўнғирот сода заводи шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона корхона бўлиб қолади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳамкорлик йўлидаги қадам

Икки йил муқаддам Тошкентдан Кунчиқар мамлакатга дастлабки мунтазам ҳаво қатнови бажарилган эди. Агар дастлабки қатновлар ҳафтасига бир-икки марта бажарилган бўлса, эндиликда у учтани ташкил этаётир. Айтгандек, шулардан иккитаси Японияннинг пойтахти — Токио шаҳрига бажарилмоқда.

Ҳозирга қадар парвозлар Япония авиация маъмурларининг рухсати асосида амалга оширилмоқда. Бу миллий авиакомпаниямизнинг халқаро авиаташувчи сифатидаги мақомига бўлган юксак ишончдир.

Ҳаво қатновлари тўғрисидаги Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлараро битим мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга янги омил бахш этади. Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Европа департаменти бош директори ўринбосари жаноб Чекахито Харида бошчилигидаги Япония делегациясининг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига ташрифи чоғида мазкур битимни тайёрлаш иши ниҳоясига етказилди.

Алишер РЎЗИЕВ

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ироқни қайта тиклашда қатнашувчилар

КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

20 миллиард доллар сарфланган

АҚШ Ироқдаги уруш учун 20 миллиард долларлик маблағ сарфлади, дейилади CNN ахборотида. Маблағнинг тенг ярми ҳарбий операцияларга, 3 миллиардга яқини аскарий анжомлар ва ўқ-дориларга, 7 миллиарди шахсий таркиб таъминотига харжланди.

Пентагон назоратчиси Дов Закхайимнинг айтишича, Америка аскарларининг Ироқ жараёнида иштироки учун бир ойда 2 миллиард доллар керак бўларкан.

Қамоқ кутади

Испания Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ҳарбий-жиноий жавобгарлик Кодексининг янги лойиҳасига биноан, эндиликда кимки Испаниянинг ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишига қарши омма орасида фикр билдирса ёки оммани намойишга ундаса, 3 йилдан 6 йилгача озодликдан маҳрум этилади. Бу ҳақда мамлакатда чоп этиладиган «Паис» газетаси хабар тарқатди.

Ироқ халқи диктатурадан халос бўлди. Халқаро терроризм қўлига тушиб қолиши мумкин бўлган қирғин қуроли ўчоғи йўқ қилинди. Энди эса диктатурадан эзилган Ироқ халқига ёрдам бериш, мамлакатни тиклаш ишлари бошланди. Бу эса яхшилик томон ташланган хайрли қадам. Шунинг учун ҳам бу қадамнинг залвори ортиб бормоқда. Жумладан, яқинда Туркия ташқи ишлар вазири Абдулла Гул Reuters ахборот агентлиги журналистига шуни маълум қилдики, АҚШ маъмуриятининг ҳарбий ҳолатдан сўнг Ироқни қайта тиклаш ишларида қатнашиши сўралган мурожаатига Туркия ҳукумати розилик берди. Яқин кунларда хавфсизликни таъминлаш, инсонпарварлик ёрдамларини керакли жойларга етказиш ва мамлакатни тиклашда иштирок этувчи ҳарбий контингент Ироққа жўнатилади.

Аввалроқ Италия, Болгария ва Дания Вашингтонга бу борадаги ёрдамини таклиф этган эди.

Шунингдек, Янги Зеландия ҳам 15 нафар ҳарбий экспертларини Ироққа жўнатишни мўлжаллаб турибди. Янги Зеландия ташқи ишлар вазири Фил Гоффнинг айтишича, улар мина ва портламай қолган бомбаларни зарарсизлантириш жараёнида қатнашади.

«Новости» агентлигининг хабар беришича эса куни кеча Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев АҚШнинг мамлакатдаги элчиси Росса Уилсонни қабул қилган чоғида 12 май куни 150 нафар ҳарбийдан ташкил топган тинчлик контингентини жўнатишини билдирди.

Украина Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати вакили Маркиян Лубкивскийнинг маълум қилишича, Украина уч йўналишда, яъни Ироқда сиёсий жараёнларни барқарорлаштириш ёки мамлакатни қайта тиклаш бўйича иқтисодий лойиҳаларда қатнашиш ёки инсонпарварлик ёрдами кўрсатиши мумкин. Аввалроқ Украина Ташқи ишлар вазирлигининг евроинтеграция масалалари бўйича давлат котиби Александр Чалий маълум қилган эдики, 20 дан ортиқ компания ва фирмалар Ироқни қайта тиклаш ишларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўтказиладиган тендерларда иштирок этишга тайёр.

АҚШнинг Грузиядаги элчиси Ричард Майелснинг «Эхо Москвы» журналистига хабар беришича, Грузия тинчлик кучлари ҳам Ироққа жўнатилиши мумкин. Ҳозир мамлакат Президенти Эдуард Шеварднадзе билан маслаҳатлашувлар ва музокаралар олиб борилмоқда. Сўнгги қарор Грузиянинг махсус кузатувчиси фаолият юритаётган АҚШ қуролли кучларининг Флоридадаги штаб-квартирасида қабул қилинади.

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти олдида долзарб масала бўлиб турган Ироқни қайта тиклаш ишларига Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшишга тайёр. Бу ҳақда куни кеча Руминия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида ўтказилган матбуот анжуманида республикамиз Президенти Ўзбекистон Ироққа инсонпарварлик ёрдами жўнатишга тайёр эканлигини билдирди.

Ҳа, дунё жамоатчилигининг Ироқ халқига нисбатан бундай ғамхўрлиги «Яхшиликнинг дўсти кўп», деган иборани яна бир бор эсга солади.

Алимбек ТОШБЕК

Бухарест шаҳри кўриниши

Фавқулодда ҳолат бекор қилинади

Сербия ҳукумати мамлакатда амал қилаётган фавқулодда ҳолатни бекор қилиш ҳақидаги тўхтамга келди.

Маълумки, шу йил 12 март куни Сербия бош вазири Зоран Жинжич ҳаётига суиқасд қилингач, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилган эди. Ўшандан бери қотилликка алоқадорликда гумонланиб, 2 минг киши қўлга олинган. Эндиликда жиноят излари очилган, дея хабар беради Reuters агентлиги.

Янги технологик линиялар

БУХОРО, (ЎзА мухбири Илҳом САФАР). «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти таркибидаги «Зумрад» шўъба корхонаси Швейцариядан келтирилаётган замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Ўрнатилаётган ускуналарнинг нархи икки ярим миллион АҚШ долларидан ошади.

Мутахассисларнинг фикрича, корхонага янги технологик линияларнинг ўрнатилиши маҳсулот сифатини оширади. «Бухоротекс»да ишлаб чиқариш жараёни ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олинса, янги лойиҳанинг амалга ошиши йирик корхона учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлиши муқаррар.

«LOCHIRA»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 85-моддаси иккиччи хатбошига биноан 2003 йил 15 май соат 15.00 да жамият биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

Кун тартиби

1. Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.

Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати тузиладиган сана — 2003 йил 15 апрель.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

МУЛОҲАЗА ВА МУШОҲАДА

Алининг аламини...

ВАЛИДАН ОЛИШ... ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЖАБР ЭМАСМИ?

Сир эмас, электр энергияси учун тўланадиган ҳақнинг тез-тез ошаётгани кўпчиликни ҳайратга солмоқда. 2002 йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида электр энергияси тарифи чамаси беш марта оширилди. Шаҳар электр тармоқлари корхонаси мутахассисларининг сўзларига қараганда, истеъмолчиларнинг корхонадан жуда катта миқдордаги қарзлари тармоқ ривожланишига йўл қўймаяпти. Бошқа соҳалар каби бу тармоқнинг ҳам ўз режалари бор, ишчи-ходимларининг ижтимоий муҳофазаси бор, албатта. Демак, пул керак. Қарздорлар электр ҳақини тўламагандан кейин нима қилиш керак? Охирги чора — электр ҳақини ошириш бўлиб қолмаётганмикин? Хўш, қарздор ким? Асосий айбдорлар — саноат корхоналари ҳамда коммунал-бюджет инспекцияси истеъмолчилари.

Масалан, 2003 йилнинг 1 январигача «Ўзбектўқимамаш» корхонасининг қарзи 134 миллион сўмни ташкил этган, «Тоштўқимачи» ОАЖ қарзи 273,9 миллион сўмга етган. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг қарзи эса 2,5 миллиард сўмдан ошиб кетган. «Тошшаҳарнур» эса 1,2 миллиард сўм тўлаши лозим.

Электр энергиясини маиший мақсадлар учун истеъмол қилувчилар (яъни сиз билан биз)га келганда эса, бу борада аҳвол анча дуруст, дейиш мумкин. Чунки бу тоифадаги истеъмолчиларнинг аксарияти қарздор бўлиб қолишдан ва электр энергиясини узиб қўйилишидан қўрқиб, энергия ҳақини вақтида тўлашмоқда. Миллион ва ҳатто миллиард сўмлаб қарздор бўлиб қолган корхоналар, шунингдек, «Коммунал-бюджет инспекцияси» истеъмолчилари эса давлат ҳимоясида бўлгани сабабли «Тошшаҳар ЭТК» шартнома мавжудлигига қарамай қарздор корхоналарга электр энергияси етказиб беришни тўхтатолмайди. Чунки, **Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Налоговые и таможенные вести» («Солиқлар ва божхона хабарлари»)** газетасининг шу йил 7 февраль, 6-сонида босилган тушунтиришига қараганда, «Электр тармоқлари корхоналари ўзига тегишли маблағни ололмай, электр ҳосил қилиш ва уни етказиб бериш учун катта харажат қилмоқда. **«Улар тарифни оширишга ва шу тариқа харажатларни итоаткор абонентлар ҳисобидан қоплашга мажбур бўлмоқдалар».**

Алидан оладиган аламни Валидан олиш, деб шуни айтсалар керак. «Ўзбекэнерго», «Ўзбекгаз» каби табиий монополияларнинг ўзбошимчалигидан истеъмолчиларни ким ҳимоя қилади? Қўмитанинг тушунтиришича, «Давлат истеъмолчиларни тарифларнинг асоссиз оширилишидан ҳимоя қилиш мақсадида асосан тарифларни тасдиқлаш орқали нархларни тартибга солиб туради». Аммо тарифларнинг **бир йилда беш марта оширилишини** давлат томонидан тартибга солиш деб бўлмаса керак? Ёки янги тарифларни давлат тасдиқлаганмикин?

Қўмита яна «бизда электр энергияси ҳақи энг арзон», деб истеъмолчиларга далда бермоқчи бўлади. Балки бу тўғридир. Аммо айрим раҳбарлар монополия маҳсулотлари (хизматлари) арзонлигини деш қилиб, уларнинг нархларини ошириш йўлида «изчил» ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳар «Махсус-транс» ИЧБ 2003 йил 1 январдан бошлаб жон бошига хизмат тарифини ҳар ойда 100 сўм ошириб, 250 сўмга етказди. Демак, энди оилада янги туғилган гўдак учун ҳам шунчадан пул тўлаш керак...

Бундай тарифларни арзон деб бўлмайди. Негаки, электр энергияси таъминотини сифатли дея оламизми? Ускуналар эскиргани сабабли тез-тез ишдан чиқаётганини ва пировардида электр тармоқларида кучланишнинг кескин ортиши (ёки пасайиши) билан, шунингдек, электр таъминотининг узилиб қолиши ва энергияни тежаш мақсадида уни узиб қўйишлар оқибатида қанчадан-қанча ташвишлар туғилаётганини ким инкор эта олади? Масалан, рўзғор электр асбоблари — совутгичлар, кир ювиш машиналари, аудио-видео аппаратлар бузилиб қолаётгани ва ишдан чиқаётгани ҳисобга олинса, электр таъминоти аҳоли учун арзонга тушаётгани йўқ.

Назаримизда, табиий монополиялар маҳсулоти (хизмати) тарифларини табақалаштиришни ўйлаб кўриш керак. Бозор иқтисодиёти сифатсиз хизмат учун кам ҳақ тўлашни (хизматга яраша) тақозо этади. Шаҳар телефон станцияларининг хизмат тарифи тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин.

Ҳайдарали ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ТАҲРИРИЯТДАН:

Муаллифнинг мулоҳаза ва мушоҳада тарзида берилаётган фикрларида қисман «жон» бордек, қисман масалага бир ёқлама ёндашилгандек, туюлди назаримизда. Тўғри, муаллиф ўз фикрларини «Налоговые и таможенные вести» — «Солиқлар ва божхона хабарлари» (2003 йил 7 февраль, 6-сон) газетасида босилган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг тушунтиришига суянган ҳолда баён этади. Биз «муаммо ечими бу қадар эмасдир?» — деган мулоҳаза билан мутасадди идоралар мутахассисларига мурожаат қилдик.

Валентина СПИЦИНА, *«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг молия бўлими бошлиғи ўринбосари:*

— Аҳвол у даражада эмас, албатта. Лекин электр энергияси тарифининг ошиши ва шу тариқа харажатлар итоаткор абонентлар ҳисобига қопланаётгани электр энергиясидан фойдаланиш жараёнида бўлаётган турли хил ўғирликлар билан ҳам бевосита алоқадор...

Яхшиси, бу борада Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг рақобат сиёсати бошқармаси ходимлари жавоб берсалар, мақсадга мувофиқ бўларди...

Телефонда *қўмита бошқармаси бошлиғи* **Валентина ДУБРОВСКАЯ**:

— Газетада босилган мақолани қўмитамиз матбуот хизмати вакиллари тайёрлашган. Йирик корхоналар қарзини итоаткор абонентлар ҳисобидан қоплаш деган тушунтиришга қўшилолмайман. Бундай қарзлар, аҳоли томонидан ҳам борлиги сир эмас-ку. Электр энергияси нархининг ошиши — унинг ҳақини ривожланган мамлакатлар даражасига чиқариб олиш йўлида белгиланган режалар асосида олиб борилаётган сиёсат, десак тўғрироқ бўлади.

Яна бир изоҳ: **Равил ШАКИРОВ** — *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ёнилғи-энергетика тармоқ базаларини молиялаштириш комплексининг нарх-наво бўлими бошлиғининг муовини:*

— Электр энергияси ҳақининг ошиб бориши — аввало, (ва аниқроғи ҳам), Халқаро валюта жамғармасидан тармоққа ажратилаётган кредит билан боғлиқ. Жамғарма электр энергияси ҳақининг бизда ҳам ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиши учун кредит ажратади. Агар биз ҳар икки ойда тармоқ (ёнилғи-энергетика мажмуи: нефть, газ, электр энергияси)даги нарх-навони қайта кўриб чиқиб турмасак, бу кредитдан маҳрум бўлиб қолишимиз мумкин. Шу нуқтаи-назардан, тармоқдаги нарх-наво бундан буён ҳам ошиб бориш эҳтимоли бор...

Демак, мамлакатимизда ёнилғи-энергетика комплекси маҳсулотларининг нарх-навосида тарифларни ошириш ва шу тариқа харажатларни истеъмолчилар (аҳоли) ҳисобидан қоплашга мажбур бўлинаётганлиги ҳақидаги миш-мишлар чиндан ҳам бир ёқламали мулоҳазалар бўлиб, тарифларнинг оширилишидан мақсад — маҳсулот ва хизмат ҳақи нархининг бизда ҳам жаҳондаги илғор мамлакатлар даражасида бўлишига эришиш.

«ЭКОФЕСТИВАЛЬ» — элни эъзозлаган тадбир

Пойтахтимизнинг «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзтелерадиокомпания, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «Экофестиваль — 2003» тадбири бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис депутатлари, турли вазирлик, идора, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, ОАВ вакиллари, фан ва маданият арбоблари, таниқли зиёлилар иштирок этдилар.

«Экосан» халқаро жамғармаси Президенти Юсуф Шодиметов «Энг обод маҳалла», «Оталар чойхонаси», «Кексаларни эъзозловчи намунали маҳалла» республика кўрик-танловлари ғолибларини эълон қилди.

Танлов шартлари талаблари доирасидан келиб чиқиб Қарши шаҳридаги «Рогузор» маҳалласи «Энг обод маҳалла» республика экологик кўрик-танлови ғолиби деб топилди. Маҳалла оқсоқолига махсус диплом топширилди ва фестиваль ташкилотчилари томонидан ажратилган 2 500 000 сўм пул мазкур маҳалла ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ғолибларга танлов ташкилотчилари томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари топширилди.

Фестиваль дастуридан «Саховатли Ер инъомлари», «Тошкент гуллари» кўргазмаси ҳам ўрин олди. Шу куни боғда бир қатор давлатларнинг юртимиздаги элчилари иштирокида «Дипломатлар хиёбони»га асос солинди.

Беҳзод ШУКУРОВ

СПОРТ

Футболимизнинг бугуни ва эртаси ҳақида

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ БОШ КОТИБИ БАХТИЁР РАҲИМОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Бахтиёр ака, Президентимиз ташаббуси билан «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси»нинг ташкил этилиши мамлакатимизда болалар футболини янада оммалаштиришга ҳам кенг имкониятлар яратди. Шундай эмасми?

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши бу соҳада туб бурилишлар, янги имкониятлар эшигини очиб берди, десак асло муболаға бўлмайди. Зеро, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, уларни спортга жалб этиш учун биринчи навбатда жойларда спорт базаларини яратиш, янги ўйингоҳларни барпо этиш лозим бўлади. Ҳукумат қарори асосида тузилган жамғарма олдига ҳам айнан мана шу вазифа юкланган. Яъни республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий стадионлар, спорт майдончалари, заллар қурилишини ташкил этиш, аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда келажагимиз бўлган ёшларимиз, болаларимизга спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароит яратиб беришдан иборат. Шу маънода Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси юртимизда футболнинг оммавийлашишига ҳам катта таъсир кўрсатишига шубҳа қилмайман.

— Республикамизда қанча болалар футбол интернатлари, махсус футбол мактаблари бор? Улар фаолиятидан кўнглингиз тўлаяптими?

— Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида футболга ихтисослашган махсус мактаб-интернатлар очилганди. Қарор чиққанига етти йил бўлди. Мазкур футбол интернатлари бугун ўз самарасини бера бошлади. Ушбу даргоҳда тарбияланган истеъдодли ёшларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ усталар жамоаларига қабул қилиниб, чемпионат ва биринчилик учрашувларида майдонга тушишмоқда. Бу кишини қувонтиради, албатта.

Бироқ, камчилик ва муаммоларимиз ҳам оз эмас. Фарғона, Жиззах вилоятларидан ташқари қолган вилоятлардаги мактаб-интернатларида болаларнинг ўқиш ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратилмаган. Айниқса, Нукус, Термиз, Навоий шаҳарларидаги аҳвол талабга жавоб бермайди. Мазкур камчиликлар федерация ходимлари томонидан бир неча бор кўтарилди. Афсуски, ўзгариш бўлмаяпти.

Ихтисослашган интернатларимиздан ташқари мамлакатимиздаги спорт мактаблари ва БУСМларнинг 12018 та бўлим ва тўгаракларида 450352 нафар бола шуғулланмоқда. Бу кўпми, камми? Менимча, Ўзбекистондай республикада бу рақамлардан хотиржам бўлиш унчалик ярашмайди. Шунинг учун келажакда улар сонини имкон қадар ошириш тарафдориман.Тўғриси, қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Биринчи галда болалар билан ишлайдиган малакали мураббийларимиз сонини оширишимиз лозим. Спорт қўмиталари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда ёшларимизга зарур шарт-шароитларни яратишимиз керак. Футбол ёшлар ўртасида қанчалик кенг оммалашса, истеъдодлар ҳам шунчалик кўп юзага чиқади. Бу эса халқаро майдонлардаги муваффақиятларимизга замин яратади.

— Сўнгги йилларда бир қатор мураббийларимиз хориж мамлакатларида маҳоратларини ошириб қайтишди. Бу тажрибани болалар футболига ҳам татбиқ этса бўлмайдими?

— Бўлади, албатта. Федерация айни пайтда мана шу сингари долзарб масалалар борасида ҳам бош қотиряпти. Футболни ривожлантириш қуйи поғоналардан бошланишини яхши тушунамиз. Шу маънода болалар мураббийларини футболи яхши ривожланган Европа мамлакатларига жўнатишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

— Болалар ўртасида ҳар йили турли даражадаги мусобақалар ўтказиб келинади. Аммо улар иштирок этадиган анъанавий халқаро турнирлар деярли йўқ ҳисоби.

— Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда болалар ўртасидаги халқаро турнирлар бармоқ билан санарли даражада. Аммо биз бундай мусобақалар сонини йил сайин кўпайтириш ҳаракатидамиз. Мисол учун, шу кунларда «Қибрай» ўқувмашғулот масканида 1985-86 йилларда туғилган болалар ўртасида «Дўстлик» кубоги учун халқаро турнир ўтказилмоқда. Унга Марказий Осиё мамлакатлари терма жамоалари таклиф этилган. Зарафшон шаҳрида болалар ўртасида ажойиб турнир ўтказилиб келинмоқда. Самарқанд вилояти Нарпай туманида футбол жонкуяри Эшқувват Улуғов бир неча йилдан буён Сирожиддин Бозоров хотирасига бағишланган турнирни халқаро мусобақага айлантириш ҳаракатида. Бундан ташқари, ёшларимиз Қозоғистон, Қирғизистон, Россия мамлакатларида ўтказилаётган халқаро мусобақаларда иштирок этиб қайтишмоқда.

— Пойтахтимизда кейинги йилларда янги-янги спорт мажмуалари, жумладан, ўйингоҳлар қуриб битказилди. «Жар», NBU ўйингоҳлари шулар сирасидан. Аммо, у ерда болаларнинг шуғулланишлари учун имконият чегараланган. Устига-устак пуллик. Айнан болалар учун махсус стадионлар барпо этиш хусусида ўйлаб кўрилмаяптими?

— Мамлакатимиз мустақиллиққа эришгандан сўнг юртимиздаги стадионлар, футбол майдонлари сони кескин равишда кўпайди. Давлат тизимидаги стадионларнинг ҳаммасида ҳам футбол билан шуғулланиш пуллик, деб бўлмайди. Бундан ташқари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилиши бу борадаги кўп муаммоларни ҳал этади, деб ўйлайман. Шу тизим орқали қуриладиган стадионларимизнинг деярли барчаси болалар ва ёшлар ихтиёрига топширилади.

— Футболи ривожланаётган давлатлар учун ФИФА томонидан маблағлар ажратилиб келинмоқда. Ўзбекистонга берилаётган маблағлар қандай мақсадларга сарфланмоқда?

— Биринчи навбатда футболимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланмоқда. Федерациямиз Тошкент шаҳар ҳокимлигига «Пахтакор» ўйингоҳи ҳудудида терма жамоаларимиз учун шуғулланадиган база, футбол майдонлари, қишин-ёзин тўп тепиш имкониятини берадиган сунъий қопламали майдон қуриш учун ер ажратишини сўраб мурожаат этганди. Ушбу масала деярли ижобий ҳал этилди. Яқин орада пойтахтимиз марказида замонавий типдаги барча қулайликларга эга маскан қурилишини бошлаймиз. ФИФА томонидан ажратилган маблағлар бу қурилиш учун урвоқдек бўлиб қолади. Асосий оғирлик федерациямиз ва ҳомийларимиз зиммасига тушади.

— Бундан тўрт-беш йил муқаддам ЎФФ олий лигадаги жамоалар сонини ўн иккитагача қисқартиш тўғрисида режаси борлигини эълон қилганди. Бу масала ҳозир кун тартибида турибдими?

— Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатаяптики, футболчиларнинг оптимал тайёргарлигини бир маромда ушлаб туриш учун чемпионатдаги иштирокчилар сони 16-18 тани ташкил этса мақсадга мувофиқ бўларкан. Иккинчидан, бизда июль ойини қўшмаганимизда ҳам 8 ой футбол ўйнаш имконияти мавжуд. Жамоалар сонининг қисқариши ўйинлар сонининг ҳам қисқаришига олиб келади. Қолган давр мобайнида футболчиларимиз, жамоалар нима билан машғул бўлишлари керак? Ҳар қандай кубок, турнирлар чемпионат ўрнини боса олмаслигини яхши биласизлар. Мана, мисол учун БАА ёки бошқа араб мамлакатларини олайлик. Улар аллақачон чемпионатларини якунлашган. Сабаби Бирлашган Араб Амирлиги чемпионати 10-12 жамоа иштирокида ўтказилади. Шу давр ичида улар халқаро майдонларда истайсизми-йўқми муаммоларга дуч келиши аниқ. Учинчидан, мамлакатимизда 14 та ҳудуд мавжуд: Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят. Ҳозирнинг ўзида учта вилоятимиз ишқибозлари олий лига ўйинларидан завқланиш имкониятидан маҳрум. Эртага жамоаларимиз сонини яна тўрттага камайтирсак, юқоридагидек вазият камида яна учта вилоят мухлислари бошига тушади. Ўзбекистон чемпионати Тошкент шаҳри, Фарғона ва Тошкент вилоятлари жамоаларидангина иборат бўлиб қолмаслигига ҳам ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шу маънода ҳозирги вариант мутахассисларимизни ҳам, мухлисларимизни ҳам қониқтирмоқда. Бундан ташқари, биз каби деярли бир пайтда мустақил чемпионатларини бошлаган Украина ва Қозоғистон чемпионатларида жамоалар сонини 12 тагача қисқартириш тажрибаси амалда синаб кўрилди ва яхши натижа бермади. Украина чемпионати 16 жамоали тизимга қайтди. Қозоғистон чемпионатида эса бу йил жамоалар сони 17 тага кўпайтирилди, келгуси йилдан бошлаб эса у ердаги олий лигада 18 та жамоа иштирок эта бошлайди. Бундан эса биз ҳам тегишли хулоса чиқариб олишимиз керак. Улар йўл қўйган хатони такрорламаслигимиз лозим.

— Бахтиёр ака, бугунги кунда республикамизда барча талабларга жавоб берадиган нечта стадион бор?

— Шу ўринда мен мамлакатимизда спортни ривожлантиришнинг уч бўғинли тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари стадионларимиз ҳолатини яхшилашда энг катта омил бўлаётганлигини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Айни пайтда Тошкентдаги «Пахтакор», «Жар», Андижон, Бухоро, Фарғона, Наманган, Қарши, Урганч шаҳарларидаги стадионларимизда халқаро миқёсдаги ўйинларни ўтказишимиз мумкин. Тез орада улар сафига қолган вилоятларимизнинг бош стадионлари ҳам қўшилишидан умидвормиз.

— Иқтисодий муаммолар туфайли биринчи лига жамоалари сонининг кутилмаганда 15 тага туширилганлиги мусобақаларнинг барқарор ўтишига хизмат қилиши турган гап. Аммо мамлакатимизда оммавий футболни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган вилоятлар биринчиликларини бугунги кун талабларига жавоб беради, деб бўлмайди. ЎФФнинг вилоятлар чемпионатларига муносабати қандай?

— Вилоят чемпионатларининг савияси ошишини биз ҳам жуда истаймиз. Иккинчи лига вазифасини бажарувчи мазкур биринчиликлар усталар жамоаларига муносиб жамоаларни, ўринбосарлар етказиб берувчи асосий база ҳисобланади. Аммо ўтиш давридаги иқтисодий қийинчилик туфайли барча вилоятларимизда биринчиликларни кўнгилдагидек ташкил этишнинг иложи бўлмаяпти. Самарқанд вилоятида эса икки йилдан буён умуман биринчилик ўтказилмаётир. Вилоят чемпионатларини ўтказиш бўйича бевосита масъул бўлган вилоят футбол федерацияларига керакли кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар бераяпмиз. Аммо барча ишларни кўнгилдагидек ҳолатга келтириш учун кўп меҳнат ва вақт керак.

— Бу йил футболчиларимизни халқаро майдонларда масъулиятли синовлар кутиб турибди. Саноқли кунлардан сўнг Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2004 йилда Афинада ўтадиган ёзги олимпиада ўйинлари саралаш учрашувларида қатнаша бошлайди. Бу нуфузли баҳсларга қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Терма жамоага кимлар таклиф этилади?

— Эрон олимпия терма жамоаси билан бўладиган саралаш учрушувига тайёргарлик қизғин кетмоқда. Мураббийларимиз номзодлар рўйхатини ишлаб чиққан. Улар орасида «Пахтакор», «Нефтчи», «Насаф», «Навбаҳор», «Қизилқум», «Дўстлик», «Қўқон-1912» жамоларимиздан бир қатор футболчилар ҳамда ЦСКА (Москва), «Химик» (Москва вилояти), «Ювентус» (Турин) клубларидан легионерларимиз ўрин олишган. Бевосита учрашувда қатнашадиган ўйинчилар 1-2 майгача ана шу номзодлар орасидан танлаб олинади. Ўқувмашғулот йиғини 26 апрелдан бошланади.

— Хитойда ўтиши кутилаётган навбатдаги Осиё чемпионати ҳам мухлислар диққат марказида турибди. Бу мусобақага ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Минскда Белорусия футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Миллий терма жамоанинг қитъа чемпионати саралаш учрашувларигача яна бошқа ўйинлар ўтказиши кўзда тутилганми?

— 30 апрель куни Белорусия миллий терма жамоаси билан Тошкентда жавоб ўртоқлик учрашувини ўтказамиз. Шунингдек, Арманистон, Молдова, Македония, Саудия Арабистони сингари мамлакатлар миллий терма жамоалари билан ўртоқлик учрашуви борасида музокаралар олиб борилмоқда. Саралаш ўйинларигача албатта йигитларимизни халқаро учрашувларда синаб кўришни мақсад қилиб қўйганмиз.

— Терма жамоага жалб этилаётган кўпчилик легионерларимиз заҳира ўринларида кўпроқ қолиб кетишяпти. Бу уларнинг жисмоний тайёргарлигига таъсир қилмай қолмайди, албатта. Шу боис уларни терма жамоага чиқариш хавотирли эмасми?

— Барча легионерларимиз заҳирада қолиб кетишаётгани йўқ. Шацких «Динамо» таркибида деярли барча учрашувларда майдонга тушяпти ва гол урмоқда. Хвостунов, Сафонов, Акопянц, Ашурматов, Шишеловлар ҳам ўз жамоаларининг асосий ўйинчиларига айланиб улгуришган. Гейнрих, Карпенко, Поляков, Ширшов ва Фёдоровлар эса ўринбосарлар ўйинларида ўйнашмоқда ҳамда асосий таркибнинг энг яқин заҳираси саналмоқда. Уларнинг терма жамоага жалб этилиши бу футболчиларимизнинг руҳиятига ҳам ижобий таъсир этиши аниқ. Маминов ва Пашининларни бир эсланг. Ўзбекистон миллий терма жамоасига чиқарилиши уларга «Локомотив» асосий таркиби эшикларини очди. Мураббийларнинг ишончи икки ҳисса ошди. Қолган футболчиларимиз билан ҳам шу каби ижобий ўзгаришлар бўлишини жуда истаб қолардик ва бош мураббийимизнинг қарорларини қўллаб-қувватлайман.

— Ўтган йили ўзбек футболи тарихида биринчи бўлиб Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиб, барчамизни хурсанд қилди. Ирокда юз берган сиёсий воқеалар туфайли апрель ойида БААда ўтиши кутилган жаҳон чемпионати ноябрь ойига кўчирилди. Бу эса иштирокчилардан мусобақа бошлангунга қадар тайёргарликни тўхтатмасликни талаб этади. Ёшларимиз жаҳон чемпионатига қандай тайёрланишмоқда?

— Футбол федерациямиз бу масалага жуда жиддий ёндашяпти. Йилнинг асосий воқеаси сифатида баҳоланаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига терма жамоамизнинг тайёргарлиги федерациямиз президентининг бевосита назорати остида турибди. Терма жамоаларимиз тажрибасида биринчи марта узлуксиз икки ойлик ўқувмашғулот йиғини ташкиллаштирилди. Икки марта хорижда (БАА ва Испания) машғулотлар ўтказдик. Аммо Ироқдаги сиёсий вазият туфайли чемпионатнинг ортга сурилиши вазифамизни янада қийинлаштирди. Шундай бўлса-да, мақсадимиз йўлида машғулотларни давом эттираверамиз. Федерацияда йиғилиш ўтказдик ва ёшлар терма жамоаси аъзоларини ҳар ойда камида бир марта қисқа муддатли йиғинларга чақириб туришга қарор қилинди. Ушбу йиғинларда футболчиларнинг жисмоний, тактик ва техниктайёргарликлари назорат қилинади. Уларнинг бир-бирларини тушунишлари жараёни мукаммаллаштирилади. Август ойида эса Саудия Арабистонидаги халқаро турнирда иштирок этиш кўзда тутилган. Шунингдек, Европа мамлакатларидан бирида ўқувмашғулот йиғини ўтказиш ҳам режамизда бор.

— Келаси ойда футболимиз юлдузи, тажрибали мураббий Биродар Абдураимов қутлуғ 60 ёшга тўлади. ЎФФ бу кунни тантанали нишонлаш режасини тузаётган экан. Агар сир бўлмаса, бу тадбир ҳақида ҳам озроқ тўхталсангиз.

— Биродар аканинг ўзбек футболидаги хизматларини барча футбол ишқибозлари яхши билишади ва қадрлашади. Шу боис у кишининг 60 йиллик юбилейини эсда қоларли даражада ўтказиш режалаштирилган. Ташкилий қўмита айни пайтда сўнгги ишларни амалга оширмоқда. Тантанага Хорен Оганесян, Ринат Дасаев, Владимир Бессонов, Вагиз Хидятуллин, Андрей Пятницкий, Сергей Юран, Василис Хадзипанагис сингари футбол юлдузлари, Вячеслав Колосков, Никита Симонян, Алина Кабаева сингари фахрий меҳмонлар таклиф этиляпти. Собиқ юлдузлар ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида футбол-шоу учрашуви ўтказилади. Тантаналарда Марказий Осиё мамлакатларидан ҳам бир қанча меҳмонлар, эстрадамиз юлдузлари қатнашиши кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, юбилей кечасида иштирок этган мухлис армонда қолмайди. Тадбир ҳозирча 18 май кунига режалаштирилган.

— Газетхонларимизни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарганингиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

Суҳбатдошлар:
Равшан ОМОНОВ,
Эркин ХОЛБОБО

«Тафаккур»да тафаккур

...«Шаҳар кўчаларидаги уйларнинг пештоқидаги соатлар ҳам Кантнинг кундалик иш ва яшаш тартиби, унинг йўлдан ўтиб-қайтишига қараб тузатиб турилгани тўғрисидаги ривоятлар ҳам буюк олимнинг ўзига ниҳоятда талабчанлигидан далолат беради.

... Кантнинг ҳаёти ва турмуш тарзининг ўзиёқ жуда антиқа ва ажойиб бир фан дейиш мумкин.

Нимжон, касалманд бўлиб туғилган Кант оқилона кун тартибини ҳеч қачон бузмагани учун узоқ ва энг муҳими, ҳар жиҳатдан соғлом ва сермазмун ҳаёт кечирган.»

Нега биз бугун Иммануил Кантни ёдга оляпмиз?

«Тафаккур» журналининг яқиндагина нашрдан чиққан 2-сонидаги фалсафа фанлари номзоди Исматулла Тўхтаровнинг «Коперникона тўнтариш» ёхуд Кант қашфиётининг сири» долзарб мақоласида нафақат немис халқининг, балки инсониятнинг буюк фарзандларидан бири Иммануил Кант ва унинг фалсафий қарашлари ҳақида жиддий, теран мушоҳада юритилган. Чунончи, Кантнинг асарлари файласуфларнинг ҳар бир авлодига даврнинг кўплаб муаммоларига жавоб топишда ёрдам беради. У ҳақидаги маълумотлар билан танишар эканмиз, илмий мероси инсоният маданий тараққиёти учун ҳали узоқ йиллар хизмат қилиши мумкинлигига амин бўласиз.

Журнал бош муҳаррири Эркин Аъзамнинг «Китоб урмасин» кириш сўзи ҳам сизни беихтиёр мушоҳадага чорлайди.

Тошкент давлат юридик институтининг доценти О.Муҳаммаджоновнинг «Ҳуқуқий тафаккур маҳсули: парламентчилик тараққиёти» мақоласи жаҳон парламентларининг тарихи ва бугунги иш услублари ҳақида ҳикоя қилади. Гулистон Матёқубованинг «Қайтмоқ учун кетмоқдаман» мақоласи истеъдодли ҳайкалтарош Жўлдосбек Қуттимуродов ижодининг руҳий манзараларини таҳлил ва тадбиқ этишга қаратилган. Шунингдек, «Талқин ва тадқиқотлар» рукни остида берилган илмий, публицистик мақолаларда олимлар, мураббийлар ҳаётнинг турли соҳалари тўғрисида ўзларининг ранг-баранг, қизиқарли фикрларини билдирганлар.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Ҳаким ота достонлари» илмий мақоласи орқали Сулаймон Боқирғонийнинг адабий мероси тўғрисидаги қимматли маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

Шеърият ихлосмандлари эса Саъдулла Ҳаким ва Зулфия Мўминоваларнинг «Юрак тилга кирди» рукни остида берилган янги ашъорларидан бахраманд бўладилар.

Абдулҳамид Исмоилнинг «Икки чол қиссаси» кишини ўзи ва яна ўзи ҳақида такрор ўйлашга мажбур этади.

Ёзма адабиётда янги жанр намуналари юз кўрсатмоқда. Унинг қанақа жанр эканлигини билмоқчи бўлсангиз, Султонмурод Олимнинг «Мафкуравий ҳангомалар»ига кўз югуртирсангиз, бас! Хуллас, «Тафаккур» сизни тафаккур этишга чорлайди.

Тўлқин ҲАЙИТ

Ҳикматли сўзлар маъноси

Гапни гапир уққанга...

Бу мақолнинг тўлиқ варианти шундай «Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга. Ярамас, аҳмоқларга гапириб ҳам ўтирма, барибир уқтиролмайсан, гапинг зое кетади», демоқчи бўлади. Бу фикрни қуйидаги мақоллар қувватлайди: «Ўгит бер — ўгит олганга. Насиҳат қил — қулоқ солганга»; «Ялқовга юк юклатма, Аҳмоққа ақл ўргатма»; «Аҳмоққа ақл ўргатиб бўлмас»; «Аҳмоқ ўзи билмас, Билганнинг сўзига кирмас»; «Аҳмоққа айтган билан гап уқмайди, Харсангга қоққан билан мих ўтмайди»; «Тошга ёмғир кор эмас, Аҳмоққа сўз кор этмас»; «Қорага совун кор қилмас, Ахмоққа — насиҳат»; «Мўҳ-мўҳ» деса, қўй ҳам тушунади, «Қўй-қўй» деса ҳам, ахмоқ тушунмайди»; «Бир ақлсизга ақл бергандан — Қоф тоғини эгов билан ун қилган осон»; «Ақллига сўз айтсанг, уқиб олар, Аҳмоққа сўз айтсанг, ақлинг қолар»; «Ақллига сўз айтсанг, кўп кечикмай битади, Ақлсизга сўз айтсанг, сув тагига кетади».

Гап кўп, кўмир оз

Ўтмишда узундан-узоқ қиш кечаларида қўни-қўшнилар, ёрдўстлар бир уйга йиғилиб, танча атрофига ўтириб олиб, гурунглашардилар. Шунда суҳбат ҳаддан ташқари чўзилиб кетса, уй эгаси ёхуд суҳбатдошлардан бири «ярим ҳазил, ярим чин» қилиб: «Етар энди, вақт ҳам алламаҳал бўлди, уй-уйларингизга жўнангиз», деган маънода мазкур мақолни айтарди. Бу мақол асли «Гап кўп-ку, умр оз» шаклида бўлган бўлиши ҳам мумкин. Кейинчалик гап ниҳоятда чўзилиб кетган пайтда айтиладиган бўлган. Вар.: «Иш кўп, темир оз, Гап кўп, кўмир оз»; «Қиш ўчоғи тор, Тур уйингга бор!».

Бокс

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Аҳмед Комер анъанавий халқаро турнири ниҳоясига етди. Унда ўн нафар боксчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Беллашувларда вакилларимиздан Рустам Саидов (91 кг.) олтин, Шерзод Абдураҳмонов (75 кг.) бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Футбол

Осиё чемпионлари лигаси ярим финалида «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси Таиланд чемпиони «Бек Теро Сасана» (Бангкок) футболчилари билан жавоб учрашувини ўтказди. Ёдингизда бўлса, Бангкокда ўтган дастлабки ўйинда пахтакорчилар 1:3 ҳисобида мағлубиятга учраган эди.

Тошкентдаги учрашув ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтиб, «Пахтакор» ғалаба қозонди — 1:0. Аммо 85-дақиқада Сервер Жепаров томонидан киритилган ягона тўп жамоамизнинг финалга чиқиши учун камлик қилди.

Шоҳмат

Фарғонадаги «Шоҳрух» шоҳмот клубида 16 ёшгача бўлган ўсмир ва қизлар ўртасида Осиё биринчилиги бошланди. Швейцарча тизимда ўтаётган мусобақада қитъамизнинг тўққиз мамлакатидан 42 нафар ёш шоҳмотчи дона сурмоқда.

Баҳсларда ўн саккиз нафар ўсмир ва қиз юртимиз шарафини ҳимоя қиляпти.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан услубиятчи С.Турдымуратовга 2003 йил 27 апрелда берилган 102,110,111,112,113-сонли Ишонч қоғози (доверность) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси тиббий криминалистика бўлими ходими П.У. Бекмуродовга волидаи муҳтарамаси **Кимё БЕКМУРОДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 328

12370 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA